



# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 27-aprel • Seshanba • 49 (31.169) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan  
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП: Жамоатчилик қабулхоналарида

«Фаол аёллар» қаноти

## Мурожаатларда кўтарилган масалалар

*нафақат ижобий ҳал этиляпти, балки ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни ташвишга солаётган масалалар мониторинги ҳам олиб борилмоқда*

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ҳайъатининг 2005 йил 30 ноябрдаги партия маҳаллий кенгашлари ҳузурида Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарори электоратни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этишга қаратилган муҳим қадам бўлган эди.

Ўтган давр мобайнида, яъни 2006 йилнинг 1 январидан 2010 йилнинг 1 апрелига қадар Жамоатчилик қабулхоналаримизда фуқароларнинг турли масалалар билан 50 мингдан ортиқ мурожаати қабул қилинган. Айниқса, 2009 йил сўнггида бўлиб ўтган сайловлардан кейин фуқароларнинг Жамоатчилик қабулхоналаримизга мурожаати анча кўпайди. Буни қабулхоналарга ишончининг ортаётгани билан изоҳлаш мумкин.

2010 йилнинг дастлабки уч ойида 3029 марта мурожаат қабул қилинган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14,7 фоизга ёки 388 тага кўпдир. Айниқса, Андижон ва Самарқанд вилоятларидаги Жамоатчилик қабулхоналарига қилинган мурожаатлар сони кескин ортган. Шу ўринда айтиш лозимки, бўлиб ўтган сайловларда мазкур вилоятлардан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 9 нафар номзоди (4 нафар Андижон, 5 нафар Самарқанд вилоятидан) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланган. Демак, ушбу минтақаларда партияимиз тарафдорлари, уни қўллаб-қувватловчилар тобора кўпайиб бормоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагидаги мурожаатлар таҳлиliga эътибор қаратадиган бўлсак, мурожаатларнинг 22 фоизи бевосита коммунал соҳа билан боғлиқ. Олдинги йилларда ҳам бу соҳа бўйича мурожаатлар сони нисбатан юқори бўлган. Бухоро, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида, айниқса, коммунал соҳа бўйича му-

рожаатлар кўпчиликини ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ҳаракат дастури Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг истиқболга мўлжалланган иш режасидан мазкур соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш, унга тақлифлар киритиш масаласи алоҳида ўрин эгаллаган.

Қабулхоналарга иш билан таъминлашда кўмак сўраб 448 нафар киши (15 фоиз) мурожаат қилган. Бу соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш ҳам долзарб масаладир. Қолаверса, бу Ўзбекистон ХДП электорати манфаати билан бевосита боғлиқ бўлганлиги учун фракция аъзоларининг қонун ижодкорлиги фаолияти дастурини ишлаб чиқишда мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Жамоатчилик қабулхоналаримизга мурожаат этувчилар фақат Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг электорати вакиллари эмаслигига ҳам эътибор қаратиш зарур. Масалан, Ҳазорасп туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига фермер хўжалиги билан боғлиқ масалада мурожаат этган фуқаро Жумабой Наврўзовнинг муаммоси ижобий ҳал этилган. Гурлан туман кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига тадбиркорлик билан шуғулланаётган неварасига ҳуқуқий ёрдам сўраб мурожаат этган Эркиной Аллабергана кўтарган муаммо тегишли ташкилотлар иштирокида ижобий ечимини топган.

(Давоми 2-бетда.)



## Кучимиз, имкониятимиз

хотин-қизлар манфаатлари ҳимоясига қаратилиши зарур

Тошкент шаҳар партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти конференциясида амалий ишларни янада кучайтириш, ташаббуслар билан чиқиш, жамият ҳаётидаги долзарб масалаларни дадил кўтариш борасида тақлиф-мулоҳазалар билдирилди.



2-бет

Асрларнинг боқий садоси > 2



Ёшлардан умидимиз катта > 3



Ватанни куйлаш бахти

> 4

...халқаро ҳамжамият ва тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилиш учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, бугун унибўйсиб келаётган фарзандларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, керак бўлса, энг муқаддас мақсад, деб билади.»

## Хужжат имзоланди

Мамлакатимизга ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, жамоат хавфсизлиги вазири Мэн Цзяньчжу Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Баҳодир Матлюбов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб йўналишлар қатори хавфсизлик соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда терроризм, айирмачилик ва экстремизм, наркотрафик ва бошқа турдаги трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашишда, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашда ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири билан Хитой Халқ Республикаси Жамоат хавфсизлиги вазири ўртасида 2010-2011 йилларда ҳамкорлиқни ривожлантириш тўғрисида идоралараро протокол имзоланди.

(ЎзА)

Кўни-қўшни ва дўстларга кўмак бериш, ҳамдард бўлиш халқимизга хос олижаноб фазилатлардан. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон ҳукумати жиддий зарар кўрган Қирғизистон Республикасига биринчилардан бўлиб беғараз инсонпарварлик ёрдами кўрсатди.

## Қирғизистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди

Ўзбекистон ҳукумати томонидан жорий йилнинг 24 апрель кўни Андижон вилоятининг Кўрғонтепа туманидаги «Савай» темир йўл бекатидан кўшни мамлакатга инсонпарварлик ёрдами жўнатилди. Инсонпарварлик ёрдами 30 тонна ун, 200 тонна минерал ўғит, 150 тонна цемент, қурилиш материаллари, кийим-кечак, дори-дармон, тиббий асбоб-ускуналар ва бошқа материаллардан иборат.

Қирғизистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатилишини юртдошларимиз қўллаб-қувватлади.

— Ота-боболаримиз бир дарёдан сув ичган, туташ ерларда деҳқончилик қилган, — дейди «Нуроний» жамғармасининг Кўрғонтепа тумани бўлими раиси Мамасоли Сиддиқов. — Шунинг учун кўшнилариимизга ёрдам берилишини биз чин дилдан қўллаб-қувватлаймиз, буни халқимизнинг бағрикенглигидан далолат, деб биламиз.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва Қирғизистон халқлари ўртасидаги дўстлик аънаналари барқарор. Ушбу аънамага мувофиқ дўсту биродарларга кўмақдош бўлиш муқаддас бурчдир. Ҳуку-

матимиз томонидан Қирғизистон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатилгани икки халқнинг дўстлиги мустаҳкамлигини яна бир қарра тасдиқлайди. — Халқларимиз азалдан бир-бирига елкадош бўлиб келган, — дейди Қирғизистон Республикаси фавқуллодда вазиятлар вазири ўринбосари Муҳаммад Қосималиев. — Ўзбекистон биринчилардан бўлиб Қирғизистонга ёрдам кўлини чўзгани учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматидан беҳад миннатдоримиз.

М.СУЛАЙМОНОВ,  
ЎзА мухбири

27 апрель об-ҳавоси

Юргимизда

Хорижда

Тошкент	— 28°C
Самарқанд	— 27°C
Нукус	— 24°C
Қарши	— 30°C
Ургач	— 24°C
Навоий	— 27°C
Фарғона	— 26°C
Бухоро	— 27°C
Андижон	— 26°C
Наманган	— 26°C
Термиз	— 32°C
Жиззах	— 27°C
Сирдарё	— 27°C
Тошкент вило.	— 27°C

Лондон	— 15°C
Париж	— 16°C
Москва	— 8°C
Мадрид	— 17°C
Пекин	— 15°C
Гонконг	— 32°C
Рим	— 21°C
Анкара	— 18°C
Токио	— 20°C
Стокгольм	— 10°C
Кейптаун	— 39°C
Қоҳира	— 33°C
Гавана	— 32°C
Вашингтон	— 12°C
Нью Йорк	— 11°C



O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT  
XALQARO  
AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIIY BANKI AXBOROTI

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 27 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмага нисбатан кўнундаги қийматини белгиледи.\*

1 Австралия доллари	1454,13
1 Англия фунт стерлинги	2553,45
1 Дания кронаси	281,55
1 БАА дирҳами	426,57
1 АҚШ доллари	1566,44
1 Инср фунти	282,59
1 Исландия кронаси	12,24
1 Канада доллари	1569,11
1 Хитой юани	229,44
1 Малайзия рингити	493,68
1 Польша злотийси	540,28
1 СДР	2369,84
1 Туркия лираси	1060,77
1 Швейцария франки	1459,46
1 Евро	2294,83
10 Жанубий Корея вони	14,20
10 Япония иенаси	166,22
1 Россия рубли	53,51
1 Украина гривнаси	197,64

\* Валюта қийматини белгиллаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ўшбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийлигини олмаган.

# Мурожаатларда кўтарилган масалалар

нафақат ижобий ҳал этиляпти, балки ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни ташвишга солаётган масалалар мониторинги ҳам олиб борилмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шунингдек, Чортоқ туманидан фуқаро Бекмурод Холбоев тадбиркорлик билан шуғулланиши учун имтиёзли кредит сўраб қилган мурожаати Чортоқ туман Миллий банки бўлими билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар натижасида ижобий ҳал этилган. Булар қабулхоналаримиз ишларидан бир намуна, холос.

ча масъул бўлган фаоллари кўтарилаётган масалаларни ўз муаммолари сингари қабул қила олганликлари учун ҳам уларнинг бартараф этилиши учун курашишда қийинчилик сезилмапти. Ҳамма гап вазифага чин дилдан, юракдан кириша олишда, бировнинг ташвишини енгил қилиб, роҳат топа олишдадир.

Бирок, таъкидлаш жоизки, Жамоатчилик қабулхоналарининг фаолияти ҳамма жойда ҳам бир текис кет-

моқда, дея олмаимиз. Ишга масъулиятсизлик билан қараётган, фаолиятни тизимли асосда йўлга қўя олмаётган партия кенгашларимиз ҳам бор, албатта. Бундан ташқари, баъзи мурожаатларда кўтарилган масалалар ечимини топишнинг имкони бўлмапти. Мазкур вазиятда фуқароларга фақат маслаҳат бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш билан чегараланаолмаймиз.

Айни пайтда ўтган йилларда тўпланган тажриба асосида Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича тегишли тақлифлар тайёрланмоқда. Мақсадимиз кишиларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этишга қўмақлашиш, уларнинг оғирини енгил қилишга ҳиссамизни қўшишдир. Шундай экан, бу йўлда бор имкониятимиз, салоҳиятимизни сафарбар этишимиз лозим.

**Олимжон ЗАРИПОВ,**  
Ўзбекистон ХДП Марказий  
Кенгаши масъул ходими.

# Асрларнинг боқий садоси


Шу йилнинг 8-9 май кунлари Хива шаҳрида навбатдаги «Асрлар садоси» фестивали бўлиб ўтади

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнаомлигида маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар ҳамюртларимиз онги, дунёқарашининг тубдан ўзгариши, баркамол авлодни вояга етказишда, тарихимиз, миллий маданиятимиз, санъатимизга жаҳон миқёсида эътибор ва қизиқишнинг ортиб боришида муҳим омил бўлмоқда.

аналарини ўзида мужасам этган. «Очиқ осмон остидаги музей» номини олган бу шаҳардаги Ичан-қалъа меъморий мажмуасининг донги етти иқлимга машҳур. Шу кунларда фестивални юксак бадиий савия, кўтаринки кайфият, юқори профессионал даражада ўтказиш мақсадида тайёргарлик

миллий ўйинлар фестивалга алоҳида кўтаринки кайфият бағишлайди, деб ўйлаймиз.

Санъат ва маърифат байрами доирасида ўтказилувчи Миллий либослар фестивалида юртимизнинг барча ҳудудлари, жумладан, Хоразм, Сурхондарё, Бухоро ва бошқа вилоятларнинг тарихий



ишлари амалга оширилмоқда. Негаки, унда минглаб ҳамюртларимиз, хорижий меҳмонлар, таниқли олимлар, санъатшунослар, тарих, археология, санъат ва маданиятнинг етук билимдонлари, rassom ва дизайнерлар, уста ва хунармандлар иштирок этади.

Фестивалнинг барча тадбирлари Ичан-қалъа мажмуасида ўтказилади. Бу унинг барча иштирокчиларига, айниқса, ёшларга миллий анъана ва қадриятларимиз баробарида қадимий ва бой тарихимиз, маънавиятимиз, бетақорор мезморий ёдгорликларимиз, нодир осори-атиқаларимиз ҳақида кенг маълумот беришида, шаҳарсозлик, меъморчилик анъаналари ҳақидаги билим ва тасаввурини янада бойитишда муҳим аҳамият касб этади. Тадбир доирасида «Шарқ миниматора ва хатотлик санъати намуналари» китобининг тақдими бўлади. Халқ сайллари, фольклор жамоаларининг чиқишлари, амалий-безак санъати кўргазма-ярмаркаси, дорбозлар, полвонлар иштирокидаги

либослари баробарида миллий зеб-зийнатлар, пойабзаллар намойиш этилади. Айни пайтда тарихий-этнографик кийимларнинг замонавий либослар дизайнига уйғунлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Фестиваль доирасидаги гала-концерт жозибдор куй-қўшиқлар, мафтункор рақсларга, театрлаштирилган сахнавий кўрсатиларга бой бўлишини алоҳида таъкидламоқчиман. Концертда санъат усталари, ижрочи ёшлар, бадиий-муסיқий жамоаларнинг энг яхши дастурлари намойиш этилади. Икки кун давом этадиган фестиваль санъат ва маданият, маънавият ва маърифат байрамига айлантиришга шубҳа йўқ.

Буларнинг барчаси юртимизда маънавиятни юксалтириш, буюк аждодларимизга муносиб вояларни вояга етказиш, илм-маърифат сарчашмаларини изчи раванк топтириш йўлидаги эзгу ва ибратли ишларнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодасидир.

**Назкат УСМОНОВА,**  
ЎЗА мухбири.

# Кучимиз, имкониятимиз

хотин-қизлар манфаатлари ҳимоясига қаратилиши зарур

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Шаҳар партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ўтган давр мобайнида маълум тажриба тўплади, партия дастурий вазибаларини амалга оширишда фаол иштирок этишга ҳаракат қилди, — деди қанот раиси Раъно Маматкулова. — Ижтимоий шерикларимиз билан ҳамкорликда олиб борган ишларимиз партияимиз сафини фаол, ташаббускор хотин-қизлар билан кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Бунда хотин-қизлар кўмитаси шаҳар, туман бўлими, «Маҳалла» жамғармаси, бандликка қўмақлашиш марказлари ва бошқа қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигидаги тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Очигини айтиш керак, фаолиятимиз бугунги талаб даражасида эмас. Айниқса, Миробод, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси бўлимида фаоллик сезилмапти. Эндиги вазиламиз камчиликларни бартараф этиб, фаолиятимизни янги босқичга кўтариш, кучайтиришдан иборат.

Муқаддас РАҲМАТУЛЛАЕВА,

**44-оилавий поликлиника бош шифокори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати:**

— Тошкент шаҳридаги жами 31957 нафар ХДП аъзосининг 17473 нафарини хотин-қиз ташкил этади. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига партиямиздан сайланган депутатларнинг 6 нафари аёллар. Сафимизда олимлар, шифокорлар, ўқитувчилар, маҳалла маслаҳатчиларидан иборат фаол аёллар кўп. Бу партиямиз обрў-эътибори ошиши, аҳоли орасига чуқурроқ кириб боришининг яна бир мустаҳкам асосидир. Ана шу имкониятдан самарали фойдаланиш зарур.

**Салтанат МУХИДДИНОВА,**  
ЎХДП Учтепа туман кенгаши раиси:

— Хотин-қизлар манфаатларини ҳимоялаш мақсадида партиямиз Жамоатчилик қабулхоналаридан самарали фойдаланиш масалалари айниқса, муҳимдир. Чунки ўтган давр мобайнида тушган мурожаатлар ичида аёллар билан боғлиқ масалалар, қабулга келувчилар орасида хотин-қизлар кўпчиликини таш-



кил этган. «Фаол аёллар» қаноти Жамоатчилик қабулхоналари билан ҳамкорликда иш олиб бора хотин-қизларни ташвишлантираётган масалалар ечимини топишда бевосита иштирок этган бўлади. Бу эса фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан биридир.

Конференцияда бу каби тақлифлар кўплаб билдирилди. Шундан сўнг ташкилий масалалар қўриб чиқилди. Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Маргарита Аҳмедбекова «Фаол аёллар» қаноти раиси, Бектемир туман партия кенгаши раиси ўринбосари Лола Ярашева қанот раиси ўринбосари этиб сайланди.

**Гулрух ОДАШБЕКОВА,**  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири.

Жорий йилнинг 8-9 май кунлари «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан Хива шаҳрида ўтказилаётган «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали бу йўналишдаги ишларнинг ёрқин тасвигидир. Халқаро миқёсда эътироф этилиб, нуфузи тобора ортиб бораётган ушбу санъат, маънавият ва маърифат байрамида ҳар қачондан кўп меҳмонлар иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси миллий маънавиятимиз сарчашмаларини қайта тиклаш, асраб-авайлаш, ривожлантириш, бу борада эришилган ютуқ ва янгиликлардан халқимиз ва жаҳон жамоатчилигини хабардор этишда фаол хисса қўшиб келаятган жамоат ташкилотларидандир.

Жамғарма томонидан 2008 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётган «Асрлар садоси» маданият фестивали ўзининг бетақорорлиги, миллий руҳи, ранг-баранглиги, қамровининг кенглиги, чуқур маърифий, ижтимоий йўналтирилгани билан катта қизиқиш уйғотмоқда. Жумладан, илк бор Қашқадарёнинг Китоб тумани қирларидида ўтказилган «Асрлар садоси» фестивалида миллий анъаналаримиз, маданиятимиз ва санъатимиз ҳамюртларимиз ва жаҳоннинг турли давлатларидан келган меҳмонларга бор гўзаллиги билан намойиш этилган. Катта сайлга айланган фестивалда амалий санъат усталари, мусаввирлар, дизайнерлар, бахши ва хонанда-

лар, рақосалар, полвонлар, дорбозлар, ошпазлар, чавандозларнинг маҳорати ва санъати томошабинларни ҳайратга солган. Турли фольклор жамоаларининг чиқишлари, улук, хўроз ва кўчкор уриштириш каби халқ ўйинлари байрамга янада ўзига хос тус берган эди.

2009 йилда бўлиб ўтган «Асрлар садоси» фестивали Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланиб,

тадбирлар илмий-маърифий кўлами, янада бойлиги, жозибдорлиги билан катта аҳамият касб этади. Оққўрғон туманининг қадимий меъморий ёдгорлик мажмуасига ташкил этилган саёҳат жараёнида маданият ва санъатнинг ривожланиш тамойиллари ҳақида фестиваль иштирокчиларига атрофлича маълумотлар берилди. Сўлим Бўстонлиқ туманидаги Қоранқўл қишлоғида бўлиб ўтган тадбирлар амалий ва тасвирий санъат кўргазмаси, хунармандлик ярмаркаси, миллий либослар фестивали, санъат усталари, ижрочи ёшлар, фольклор, бадиий-муסיқий жамоалар иштирокидаги катта концертга улашиб кетганди.

Жорий йилги «Асрлар садоси» фестивалининг қадимий Хива шаҳрида ўтказилишида ўзига хос маъно бор, — дейди «Осиё раизи» Ўзбекистон модельерлар ва дизайнерлар уюшмаси раиси Холида Комилова. — Буюк Ипақ йўлининг марказида жойлашган кўҳна бу кент тарих, меъморчилик, шаҳарсозлик, маданият ва санъатимизнинг ноёб анъ-



Абдулқасим ХАЙДАРОВ оlingан суратлар.

Фарзандни тарбиялаш, унга илм бериш, касб ўргатиш қадимдан энг масъулиятли вазифа саналган. Одоб-ахлоқ, ёши улугларга ҳурмат, меҳр-оқибат, оилага, киндик қони тўкилган заминга садоқат фазилатларини қамол топтириш бола тарбиясида энг муҳим жиҳатлардан ҳисобланган.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ёшларга таълим-тарбия бериш, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида фарзандларимизни билимли, юксак салоҳиятли, жисмонан, руҳан ва маънан етук инсонлар этиб тарбиялашнинг яхлит механизми шакллантирилди.

# Таълим тизими — янги босқичда

Баркамол авлод орзуси

Таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижасида бунёд этилаётган замонавий ўқув масканларида ёшларнинг чуқур билим олиши, касб эгаллашлари учун барча шарт-шароит яратилди. Таълим жараёни тубдан ўзгармоқда. Ҳар бир ўқувчининг қизиқиши, қобилияти, билим олиш салоҳияти инobatга оlingан ҳолда, таълим жараёнига замонавий педагогик усуллар асосида ёндашилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад — ёшларни шахс сифатида шакллантириш, онгини ўстириш, дунёқарашини бойитишдир. Зеро, ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, уларда эътиқод, Ватан туйғусини қамол топтириш тарбиянинг устувор йўналишларидандир.

Юртбошимиз Ислоҳ Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асаридида таъкидланганидек, ёшларимизнинг маънавий оламиди бўлиш вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгини доим ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур.

Айни шу вазифа биз, маорифчилардан катта масъулият ва маҳоратни талаб этади. Бугун шиддат билан ўзгариб бораётган мураккаб замонада, глобаллашув даврида ашамоқдамиз. Юксак технологиялар ривожланиб, инсон тафақури бойиб бормоқда, ахборот алмашиш тез суръатларда ривож топаётди. Ҳозир ер юзининг қайси бурчагида қандай воқеа рўй бергани ҳақида зум

ўтмай хабар топиш имкони бор. Ана шундай ҳодисалар ва тарқалган ахборотларнинг мамлакатимизга ҳаётига, турмуш тарзимиизга таъсири йўқ, деб бўлмапти.

Бу жараёнлар мафкуравий таъсир ўтказишнинг ўзига хос қуролига айланган бораётгани ҳам сир эмас. Турли сиёсий қучлар ва марказларнинг манфаатларини кўзал амалга оширилаётган бундай ҳаракатлар биз тарбиялаётган ёш авлодга салбий таъсир ўтказиши, фарзандларимиз орасида носоглом муҳитни келтириб чиқариши муқимлиги ҳар биримиздан доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этади.

Бугун ёшларимиз учун ахборот майдони тобора кенгайиб бормоқда. Улар ўқув даргоҳларида билим олиш билан бирга, радио, телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали дунёдан мунтазам хабардор бўлиб туриш имкониятига эга. Бу ёшларимиз онгини захарлашга қаратилган турли маънавий таҳдидлар, ахборот хуружларининг хавфи ортиб бораётганидан дарак беради. Албатта, буни ўқима, уни кўрма, бундан фойдаланма, деган бир ёқлама қарашлар билан фарзандларимизни бундай таҳдидлардан асраш қийин. Қолаверса, бу таълим-тарбия тизимида ҳам, бугунги замон талабларига ҳам мос келмапти. Юртимиз келажакда бўлган ёшларни ўз қобилиятини қўлга оlingан ҳолда эмас, балки умумбашари ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган қомил инсонлар этиб тарбиялаш муқим вазиламиздир.



Ёшларимизда биз учун муқим бўлган, маънавий ва ахлоқий тубан иллатлар асосига қурилган, башариётнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига таҳдид соладиган «оммавий маданият», ақидаларастлик ва бошқа ғаразли қучларга қарши туриш кўнималарини шакллантириши таълим-тарбия жараёнининг муқим бўлишига айланган бу борада ҳар томонлама самарали йўллар. Айни пайтда ёшларга пухта замонавий билим бериш баробарида, таълим жараёнида беш тилда — ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ ва туркман тилларида олиб борилаётди.

Таълим тизимига қаратилаётган эътибор самарасида Оролбўйида ҳам кенг қамровли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида ўтган йилларда республика бўйича жами 486 мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Жумладан, 27 мактаб биноси янгидан қурилди, 400 дан ортиқ мактаб капитал ва жорий таъмирдан чиқарилди. Ўтган йилнинг ўзида 165 мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди, 8 мактаб биноси янгидан қурилиб, 74 тасида реконструкция ишлари амалга оширилди.

Буларнинг барчаси ёшларимизнинг замон талаблари асосида билим олиши учун хизмат қилмоқда. Бунёдкорлик ишлари билан бир қаторда, мактаблар замонавий ўқув қуроллари, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Уларнинг барчасида ахборот-ресурс мар-

казлари фаолият кўрсатмоқда. Қорақалпоғистондаги 221 мактаб ўқувчилари «ZyoNet» тармоғидан фойдаланиш имкониятига эга.

Айни пайтда таълим муассасаларида ўтказилаётган турли маданий-маърифий тадбирлар мактабларда таълим-тарбияни уйғун тарзда олиб боришга хизмат қилаётди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳаллалар фаоллари иштирокида ўтказилаётган «Демократик жамият қуриш — асосий мақсадимиз», «Дин ва қонун», «Терроризмга йўл йўқ», «Ёшлар экстремизмга қарши», «Маҳалланг тинч — юртинг тинч», «Диний бағрикенглик — миллий қадриятлар асоси» каби қатор мавзулардаги суҳбатлар ёшларимиз учун ҳар томонлама фойдали бўлмоқда.

Ёшлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, гиёҳвандлик каби иллатларнинг олдини олиш мақсадида оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлигини кучайтириш, мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Бир сўз билан айтганда, бугун мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар юқори босқичга қикди. Бу фарзандларимизни билимли ва юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялаш йўлида олиб борилаётган кенг қўламли ишларнинг амалий самарасидир.

**Бегдудла СУЛТОНОВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси  
халқ таълими вазири.  
(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакилларининг маданий анъаналар ва миллий таомлар фестивали бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ташкил қилинган ушбу тадбирда АҚШ, Бангладеш, Вьетнам, Германия, Жанубий Корея, Индонезия, Италия, Малайзия, Миср, Покистон, Россия, Туркия, Туркменистон, Украина, Чехия, Швейцария, Эрон, Япония, Қозоғистон, Ҳиндистон каби жами ўттизга яқин давлат дипломатлари иштирок этди.

# Дипломатларнинг маданий фестивали

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг биринчи ўринбосари А.Комилов мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилганлини таъкидлади. Дипломатлар ўртасида ўтказилган турли мусобақалар, маданий ва маърифий учрашувлар, фестиваллар халқро муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

даги элчихоналар вакилларини бир жойга тўплаш баробарида турли халқлар маданияти ва урф-одатлари билан яқиндан танишиш, ҳамкасблар билан мулоқот қилиш имконини бермоқда, — деди Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Факультетда ва мухтор элчиси Манал Шах Алкадри. — Халқингиз Ислам Каримов раҳнамолигида ажодлардан қолган бой маданий ва маънавий меросни тиклаш, асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш борасида ҳавас

қилса арзигулик улкан ишларни амалга оширишда. Маданий анъаналар ва миллий таомлар фестивалида Ҳиндистонлик дипломатлар доимо мамнуният билан иштирок этиб келади. Тадбирда турли мамлакатлар халқларининг маданияти, урф-одатлари, қадрият ва анъаналари, миллий либос ва таомлари, шунингдек, Ўзбек Миллий академик драма театрида дипломатик корпус вакилларининг концерти намойиш этилди.

(ЎЗА)

## Таълим ва тараққиёт

# Ёшлардан умидимиз катта

Тараққиёт аввало, таълим ва илм-фанга эътибордан бошланиши тарих синовидан ўтган ҳақиқат. Ҳеч бир давлат, ҳеч бир мамлакат илм-фанга суйнамай туриб, тараққиётга эришолмайди. Шу боис, мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустақамлашга йил сайин катта эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг Баркамол авлод йили деб номланиши, бу борада қабул қилинган Давлат дастурида ҳам таълим тизимига олиб борилаётган ислохотларни кучайтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар белгиланган ва улар ижроси таъминланмоқда. Абдулла Қодирий номидagi Тошкент давлат маданият институтига амалга оширилган таълим соҳасидаги ислохотларни кучайтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар белгиланган ва улар ижроси таъминланмоқда.

Маълумки, табиатни асраш, экологик мувозанатни сақлаб қолиш масалалари ҳозир дунёда энг долзарб вазифалардан бирига айланган. Талабаларга экология бўйича берилган таълим амалиёт билан қўшиб олиб боришда. Институтимиз ҳовлиси ва ён-атрофида узига ҳос яшил хиёбонлар ташкил этилган. Ҳар йили баҳор фаслида мева-ли ва манзарали дарахт кўчалари, гуллар экиш анъанасига айланган. Яқинда 500 туп мевали дарахт кўчалари ва 1500 туп арча ўтказилди. Бу ишларга талабаларнинг фаол жалб этилиши уларда нафақат ўқув даргоҳи, айни чоғда табиатга нисбатан ҳам меҳр-муҳаббатни оширади.

— Бугун замон биздан барча жабҳаларда янгилашниши, давр талабларига муносиб бўлиши талаб этмоқда, — дейди институт ректори, профессор Азиз Тўраев. — Бинобарин, таълим-тарбия жараёнида ҳам. Шу боис, таълим тизимига энг илгор педагогик технологияларни олиб киришга ҳаракат қилаёмиз. Мамлакатимиз раҳбарининг ҳеч қандай кам бўлмаган авлоднинг тарбиялаш бўйича берган кўрсатмалари биз учун дастуруламал бўлмоқда.

Бизнинг барча сайъ-ҳаракатларимиз замонавий фикрлайдиган, дунёга тегна назар ташлайдиган, интеллектуал билим ва бойликка эга, маънан соғлом авлод тарбиясига қаратилган. Мамлакат хавфсизлигини, миллий манфаатларини ҳимоя қилишга ҳам ана шу вазифалар нуктаи назардан қаралади.

Чунки Юртбошимиз миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли гоёлар ва мафкуравий ҳужураларнинг моҳиятини очиб бериш, ёшларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустақамлаш алоҳида аҳамият касб этишини қайта-қайта таъкидлайди. Бу ўта мураккаб ва



масъулиятли жараёни самарали амалга оширишда миллийлик ва замонавийлик концепциялари уйғунлигини таъминлаш узлуксиз таълимнинг барча тизимларида бўлгани сингари, олий таълимда ҳам жуда катта масъулият талаб этади. Институтда илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлар лойиҳаси йўналишларида бир қанча ишлар олиб боришмоқда. Буларга умуминститут комплекс дастури ва кафедралар илмий мавзулари доирасидаги илмий-тадқиқот ва илмий-ижодий ишлар, давлат илмий-техника дастурлари, грантлари асосидаги тадқиқотлар, халқаро ҳамжарма ва ташкилотлар дастурлари доирасидаги тадқиқотлар, турли илмий-назарий, илмий-амалий анжуманлар ўтказиш ва уларда иштирок этиш, бетақрор муносиб асарлар яратиш каби илмий-ижодий ишлар кирди. Профессор ўқитувчиларимиз яратган бу каби илмий ишлар монография, дарслик, ўқув қўлланмалари сифатида ёритилмоқда. Масалан, профессор Э. Оқунжоновнинг «Туркистонда китоб тарихи. Қадимги давр. Ўрта асрлар» монографияси Челябинск маданият ва санъат академияси томонидан рус тилида чоп этирилди. Доцент

А.Носированин «Жонли сўз санъати» ўқув қўлланмаси қорақалпоқ тилида нашрдан чиқди. Институт ижодий йўналишдаги олий таълим муассасаси бўлгани учун янги асарлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Талабалар томонидан 2009 йилда 6 та янги муносиб асар, 21 та саҳна асари яратилди ва ҳозиргача намойиш этилмоқда. 120 нафардан зиёд иқтидорли талабанин илмий ва ижодий ишлари маъсули бўлган китоблари ҳам чоп этилмоқда. 4-курс талабаси Хилола Усмонова Алишер Навоий номи давлат стипендияси, 2-курс магистранти Барно Меликулова Президент стипендияси соҳибидир. Иқтидорли талабаларимиз шаҳар ва республика миқёсидаги кўрик-танлов ва тадбирларда фаол иштирок этиб келишмоқда. Ажойиб замонда, ажойиб шароитда кун билан таълим олаётган ёшларимиздан умидимиз катта. Улар ўз соҳасининг малакали мутаассаси, юртнинг фидойи фарзанди бўлиб вояга етишларига ишонамиз.

**Азиз ҲОТАМОВ,**  
Тошкент давлат маданият институтининг экология ва жисмоний тарбия кафедраси доценти.

Буюк британиялик бир гуруҳ олимлар мобиль телефоннинг киши соғлиғига қанчалик зарарли ёки зарарсиз эканлигини ўрганиш учун кенг миқёсли тадқиқот-кузатув ишларини бошлади.

## Хорижда



# Мобиль телефони

соғлиққа зарарми ёки?..

«BBC» хабарига қараганда, ушбу тадқиқот 30 йил давом этади. «Cosmos» («Cohort Study on mobile communications») дея номланган кузатувда Европанинг 5 та мамлакатидан — Буюк Британия, Финляндия, Дания, Швеция ва Нидерландиядан 250 минг кўнгилли иштирок этади. Улар мобиль телефондан

доимий фойдаланувчи 18 ёшдан 69 ёшгача бўлган турли тоифадаги одамлардир. Мутахассислар ушбу тадқиқотда мия ва тери саратони ривожига мобиль телефоннинг таъсири, мазкур касаллик ҳамда бош оғриқ, рухий сикилиш, уйку меъёрининг бузилиши, тиннитус (қулоқда қан-

дайди шовқинлар пайдо бўлиши) ва нейрокасалликларни келтириб чиқариши ёки чиқармаслигини ўрганиш билан бирга европаликларнинг бир кунда қанча мундат мобиль телефондан фойдаланиши ва шу сингари бошқа жиҳатларни ҳам кузатадилар, ҳисобот олиб борадилар ва хулоса ясайдилар.

# 150 мингдан ортиқ киши

ўз уйларидан мосуво бўлди

Ҳиндистоннинг шарқий қисмида ноқулай об-ҳаво шароити бир ҳафтадан бери давом этмоқда. Кучли шамол кўпгина дарахтларни илдизи билан кўприб, электр тармоқларини узган бўлса, шарроқ кўйган жала сел оқимларини юзга келтирди. Натيجида шарқий Ассам штатида 250 та қишлоқ сув тошқинлари остида қолди.



Шунингдек, сув тошқинлари Аруначал-Прадеш ва Трипур штатларида ҳам юзга келди.

«IANS» АА маълум қилишича, 150 мингдан ортиқ одам ўз уйларини ташлаб, хавфсиз жойларга қочишга мажбур бўлди. Айни дамда улар темир йўл тармоғи вагонларида, маҳаллий маъмурият биноларида, мактабларда жон сақламоқдалар.

Синоптиклар бундай об-ҳаво шароити яна бир неча кун давом этиши ҳақида омманга оғохлантирмоқда.

# Хурматли истеъмолчилар!

Агар товарлар харид қилганингизда, бирор хизматдан фойдаланганингизда Сизнинг ҳақ-ҳуқуқларингиз ишлаб чиқарувчи, ижрочи ва сотувчи томонидан бузилса, шунингдек, тўловларни пластик картчалар орқали амалга оширганингизда нархлар асосидан оширилса ёки қўшимча ҳақ талаб қилинса, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Худудий бошқармалар	Ишонч телефонлари
Қорақалпоғистон Республикаси	8(361) 222-30-11
Андижон	8(374) 222-17-01
Бухоро	8(365) 223-70-48
Жиззах	8(372) 226-10-01
Қашқадарё	8(375) 226-24-01
Сурхондарё	8(376) 223-63-25
Наманган	8(369) 233-29-56
Навоий	8(436) 226-11-74
Хоразм	8(362) 226-30-93
Фарғона	8(373) 224-08-25
Сирдарё	8(367) 225-07-30
Самарқанд	8(366) 235-88-44
Тошкент вилояти	8(371) 241-67-98
Тошкент шаҳри	8(371) 233-09-39

## ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

# ИК по КС хокимията Навоийской области

ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ  
На объект: «Амфитеатр на 2 400 мест в г.Навои»  
Стартовая стоимость заказчика: без НДС 2 262 500 000 сум, с НДС 2 715 000 000 сум.  
Срок окончания работ, установленный заказчиком: 7 месяцев.  
Заказчик: ИК по КС хокимията Навоийской области.  
Расположенный по адресу: г.Навои, ул.Навои, 63.  
Финансирование осуществляется: за счет местного бюджета.

# ГАСН Навоийской области

ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ  
На объект: «Административное здание ГАСН Навоийской области в 17 мкр. г.Навои»  
Стартовая стоимость заказчика: без НДС 329 020 251 сум, с НДС 394 824 302 сум.  
Срок окончания работ, установленный заказчиком: 7 месяцев.  
Заказчик: ГАСН Навоийской области.  
Расположенный по адресу: г.Навои ул.Гасалия, 2-А.  
Финансирование осуществляется: за счет собственных средств.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов, должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалисты, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсовому объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.  
При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые предпочтения для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсных торгов с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, deductываются на сумму указанного налога.  
Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга — в Территориальный консультативный центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области по адресу: г.Навои, ул.С.Айни — 32, тел: 225-53-85, 225-52-38.  
Стоимость одного комплекта документов — 70 000 сум.  
Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Навои, ул.С.Айни — 32, тел: 225-53-85.  
Крайний срок представления оферт организатору торгов — ко дню и часу вскрытия оферт.  
Вскрытие оферт состоит не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

ООО «RADIUS-RGR», зарегистрированное в Яккасаройском районе г.Ташкента, сообщает об уменьшении размера уставного фонда. По возникшим вопросам обращаться по телефону: 121-51-07.

## Молия муассасаларида

# Мижозлар сони кўпаймоқда

бунда ОАТБ «Микрокредитбанк» Кармана филиали жамоасининг ҳиссаси катта



«Микрокредитбанк» кредит олувчи ва берувчининг тўлақонли манфаати асосида иш қўради. Бу ўринда ми-жознинг турмуш тарзи, гаровга қўйган мол-мулки, хуллас, айтарли барча моддий ва маънавий томонлари атрофлича ўрганилиб, таҳлил этиб чиқилгач, амалий ижрога киришилади. Бунда банк эксперт-кредит қўмитасининг хулосаси асосий мезон саналади. Бугунги кунда банкнинг нафақат вилоятларда, балки барча шаҳар ва туманларда минтақавий филиаллари ишлаб турибди.

намунали молиявий хизмат кўрсатилмоқда. Мижозларнинг 40 фоизи юридик шахслар бўлса, қолганлари кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари, деҳқон-фермер хўжаликларидир. — Фаолиятимиз асосини ми-жозларга намунали хизмат кўрсатиш ташкил қилади, — дейди филиал бошқарувчиси Азамат Тошев. — Агар, бераётган ҳар бир кредитимиз тийинигача ўз ўрнида сарфланса, бу — замонавий кичик корхона, ихчам линия ёки илгор технология деганидир. Амалий сайъ-ҳаракатларимиз, ми-жозга ўз вақтида кўрсатган иқтисодий маддимиш туфайли ўтган йилнинг ўзида туманимизда қарийб 250 та қўшимча иш ўринлари яратилди. Баркамол авлод йилининг ўтган биринчи чорагида ҳам кичик бизнес субъектларига қарийб 300 миллион сўмлик у ёки бу кредит бердик. Йил охиригача яна 700 миллион сўмдан ортиқ кам фойдали кредитлар ажратиш ниятидамыз.

Дарҳақиқат, филиалда Қудрат Турсунов, Меҳринисо Ортиқова, Жўрабек Бегматов, Амридин Абдураҳимов, Азим Бердиқолов, Жасур Раҳимов, Шахло Курбонова сингари ўз касбининг усталари борки, банкнинг молиявий салोҳияти йил сайин яшиланиб бормоқда. Бугунги кунга келиб, мазкур минтақавий банкнинг айланма капитали ёки жами активи 7 миллиард сўмга етгани фикримиз далилидир. Молия муассасасида пухта ишлаб чиқилган дастур асосида иш олиб бориляпти. Аҳолининг манший хизмат, бозор-ўчар, коммунал тўловларда оғирини енглил қилиш мақсадида жойларда ўрнатилган 80 та замонавий терминал 3330 тадан ортиқ пластик карточка эгаларига беминнат хизмат кўрсатмоқда.

Филиал жамоаси деҳқон-фермер хўжаликларига ҳам бажонидил хизмат қилмоқда. Жумладан, уларга «Класс Доминатор — 130» ва Голландияда ишлаб чиқарилган «Нев Холлаб» — ТС — 5060» ўрим комбайнлари олиб берилди, харид нархи 180-210 миллион сўм бўлган бу ўрим техникалари асосан узок мuddатли кредитга молияланган. Банк жамоаси чопиқ ҳамда ҳайдов тракторлари, культиватор, чизел ва бошқа хўжалик техникалари, қўйингки, сув насослари харид қилиши учун ҳам микрокредит ва лизинг асосида катта-кичик кредитлар бераётир. — Имонияти юкори, молия-

Келинг, худди шу ўринда унинг Кармана филиали фаолияти хусусида қисқача фикр юртайлик. Филиалнинг 52 нафар малакали ходими томонидан 2800 тадан зиёд ми-жозга

Дарҳақиқат, филиалда Қудрат Турсунов, Меҳринисо Ортиқова, Жўрабек Бегматов, Амридин Абдураҳимов, Азим Бердиқолов, Жасур Раҳимов, Шахло Курбонова сингари ўз касбининг усталари борки,

Банкнинг молиявий салоҳияти йил сайин яшиланиб бормоқда. Бугунги кунга келиб, мазкур минтақавий банкнинг айланма капитали ёки жами активи 7 миллиард сўмга етгани фикримиз далилидир. Молия муассасасида пухта ишлаб чиқилган дастур асосида иш олиб бориляпти. Аҳолининг манший хизмат, бозор-ўчар, коммунал тўловларда оғирини енглил қилиш мақсадида жойларда ўрнатилган 80 та замонавий терминал 3330 тадан ортиқ пластик карточка эгаларига беминнат хизмат кўрсатмоқда.

Филиал жамоаси деҳқон-фермер хўжаликларига ҳам бажонидил хизмат қилмоқда. Жумладан, уларга «Класс Доминатор — 130» ва Голландияда ишлаб чиқарилган «Нев Холлаб» — ТС — 5060» ўрим комбайнлари олиб берилди, харид нархи 180-210 миллион сўм бўлган бу ўрим техникалари асосан узок мuddатли кредитга молияланган. Банк жамоаси чопиқ ҳамда ҳайдов тракторлари, культиватор, чизел ва бошқа хўжалик техникалари, қўйингки, сув насослари харид қилиши учун ҳам микрокредит ва лизинг асосида катта-кичик кредитлар бераётир. — Имонияти юкори, молия-

Янги танлов

«Йилнинг энг яхши педагоги»

Кеча пойтахтимизда Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан илк бор «Йилнинг энг яхши педагоги» аниқланди.



Зиёдулла НОРИМҲОДИЕВ олган сурат.

2006 йилдан бери мамлакатимизда ташаббускор, истеъдодли, янгиликка интилувчан устоз-мураббийларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида уч босқичли (туман, шаҳар-вилоят, республика) «Йилнинг энг яхши фан ўқитувачиси» танлови ўтказиб келинаётган эди. Шу йилдан Халқ таълими вазирлиги «Йилнинг энг яхши фан ўқитувачиси» голиблари орасидан «Йилнинг энг яхши педагоги»ни аниқ-

лашга қарор қилди. Низомга кўра, фан йўналишида голиб чиққан 14 нафар ўқитувчи 4 турда ўзаро баҳслашди. Танлов натижаларига кўра энг юқори балл тўплаган Тошкент шаҳар Яққасарой туманидаги 118-мактаб таърих фани ўқитувачиси Бибисора Ҳасанова «Йилнинг энг яхши педагоги» деб топилди. У Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

Доҳада 23 апрель кuni 2011 йили январда Қатарда бўладиган навбатдаги Осиё чемпионати финал босқичига қўрға ташланди. Қўрғага кўра ҳамюртларимиз Қатар, Кувайт ҳамда Хитой терма жамоалари билан «А» гуруҳида тўп сурадиган бўлди.

Вадим Абрамов: «Кучлилардан кучли бўлиш талаб этилади»



Тўрт кун ўтиб эса Хитой терма жамоаларига қарши майдонга чиқади. Қўрға ташлашда Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Вадим Абрамов ҳам иштирок этди.

— Кўп нарса биринчи учрашувга боғлиқ, — дейди бош мураббий Вадим Абрамов. — Мусобақани қандай бошласанг, уни худди шундай давом эттирасан. Катта мақсадлар қўйилган нуфузли мусобақаларда иштирок этиш ҳар доим ҳам қийин бўлган. Биз ҳаммиса мусобақада галаба қозонишни ўз олдимишга мақсад қилиб қўямиз. Бундай катта мақсадга эришиш йўлида кучлилардан кучли бўлиш талаб этилади. Энди эса тайёргарлик режасини тузиб чиқамиз. Хусусан, Осиё чемпионати бошлангунга қадар бир қатор кучли терма жамоаларга қарши ўртоқлик учрашувларини ўтказамиз.

Эркин ХОЛБОБОВ.

Санъаткор билан учрашув

Ватанни куйлаш бахти

Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг асосий мақсади ёшларимиз қалбида Ватанга бўлган меҳр ва муҳаббат, садоқат туйғуларини камол топтириш, юртимизни шарафлайдиган, улуғлайдиган адабий-бадий жиҳатдан теран кўшиқларни яратиш, ёш истеъодларни эл-юртга танитиш, уларни қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Илк кўрик-танлов кашфиёти наманганлик Малика ЭГАМБЕРДИЕВА бўлди.



— Кўрик-танловда Икбол Мирзо шеъри, Анор Назаров мусикаси билан ёзилган «Ватан» номли кўшигимни ижро этиб учинчи ўринни олдим, — дейди у.

— Ватани дунёдаги энг мўтабар зот — онага менгашади. Шундай экан, Ватан ҳақидаги кўшиқ юракдан айтилиши керак. Бунинг учун кўшиқчи қалбида ватан туйғуси бўлиши, онани, она заминини, халқини чин дилдан севиши зарур. Ана шундагина куйланган кўшиқ, тингловчилар қалбларини сеҳрлайди.

— Бу танловда қатнашиш осон бўлмагандир. Таниқли хонандалар билан бир сахнада кўшиқ айтганингизда ҳаяжонланган бўлсангиз керак.

— Мен шу пайтгача мақом ва миллий эстрада йўналишида кўплаб танловларда қатнашганман. Лекин «Ягонасан, муқаддас Ватан!» барча қатнашган танловларимдан савияси билан устун туради. Мен олдингиларида ўзимнинг тенгдошларим билан баҳслашганман. Бу нуфузли кўрик-танловда эса сахна ортда устоз-санъаткорлар мени кузатиб турганини кўриб ҳаяжонландим. Шундан кейин боз маҳоратимни намойиш этишга ҳаракат қилдим. Устозларим Озодбек Назарбеков ва Гулсанам Мамазоитовадан кейинги совринли ўринга муносиб кўрилганим ҳаё-

тимдаги энг қувончли воқеа бўлди. Очиғи, ўша кезлар «Нихол» танловда имкониятимни тўлиқ кўрсата олмаганим учун кайфиятим бироз тушганди. Бу муваффақият ўзимга ишончимни янада мустаҳкамлади. Энди ушбу танлов совриндори бўлиш менга катта масъулият юклаганини чуқурроқ англаяман. Шу боис олдингидан ҳам каттароқ шижоат билан ижод қилаялман.

— Шу ўринда кўпчиликни болалигингиз, санъат йўлидаги илк қадамларингиз, устозларингиз кимлиги қизиқтириши, табиий.

— Бизнинг оиламиз санъаткорлар оиласи ҳисобланади. Болалигим санъатнинг чинакам шинавандалари, фидойилари орасида ўтган. Уйимизга кўплаб ижодкорлар келиб туришарди. Бу эса менда кўшиқчи бўлиш орзусини уйғотган. Биринчи мураббийим Поп туманидаги 7-болалар мусика мактаби ўқитувачиси Абборжон Дўстматов. У кишидан мақом айтишни ўрганганман. Аслида кўшиқ куйлашни мақомдан бошлаганман. Кейинчалик Тошкент маданият коллежига ўқишга кирганимдан сўнг Фанижон Ваҳобов ва Улмас Расуловлар кўлида таълим олдим. Ҳозир мақом билан бирга миллий эстрада йўналишида ҳам куйлаялман. Бу йўналишда менга Ўзбеки-

стонда хизмат кўрсатган артист Гулсанам Мамазоитова устозлик қиляпти. Тўғриси айтсам, мақом ва миллий эстрада йўналишида овоз диапозонини ишлашти умуман бошқача. Мен устозимдан овозни тўғри ишлашти усулларини, самарали ижод қилиш йўлларини ўрганганман.

— Нуфузли кўрик-танлов туфайли эл-юрт назарига тушдингиз. Энди сиздан мухлислар фақат жозибали кўшиқлар куттишади. Шу маънода ижодий режаларингиз ҳақида тўхталсангиз.

— «Ўзбекинов» эстрада бирлашмасида таниқли бастакорлар, шоирлар, хонандалар иштирокида йиғилиш ўтказиб турилади. Яқинда бўлиб ўтган шундай муҳокамалардан бирида бугунги кун учун ниҳоятда долзарб вазифа — Ватан ҳақидаги кўшиқлар қандай бўлиши кераклиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Улар бизга «Шунақа кўшиқ яратинглarki, унда Ватан мадҳи ҳам, ҳаёт йўллари ҳам, ўз ички ҳиссиётларингиз ҳам жамланган бўлсин, тингловчининг юраги жиз этсин», дейишди. Ўша аҳойиб фикрлар таъсирида янги кўшиқ яратялман. Насиб қилса, яқин кунларда мухлислар эътиборига ҳавола этаман.

«Ўзбекистон овози» мухбири Тўмур АБЗАМ сўзбўлашди.

Инсон хотираси азиз

Устоз ибрати



Таниқли журналист Холбек Ёдгоров кўп йиллар давомида ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасида бош муҳаррир ўринбосари вазифасида ишлаб, ўзидан яхши ном қолдирди. Кўплаб шоғирлар етиштирди. Улар устознинг одамийлик фазилатлари, панд-насиҳатларини ҳали-ҳануз хотирлайдилар.

— Холбек акадан ўрганганимиз жўшқинлик, самимийлик, меҳрибонлик — дея эслайди таниқли журналист Мақсуд Қориев. — Газета қозонида қайнаган, мазалини жуда тез илғайдиган, тезкор журналист эди.

Устознинг ёшларга меҳрибонликларини ҳамон миннатдор бўлиб эслаймиз. Бизга журналистик касбига, пок номингга доғ туширма, деб ўқитарди.

Яна энг яхши одатларидан бири — аниқ мақсадни кўзлаб ёзиш керак, дерди. Журналист балки кўпчиликка, бутун жамиятга фойда келтиришга ҳаракат қилиши лозим. Ижодкорга лоқайдлик, бугунги ишни эртага қолдириш кони зарар дердилар.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир кун мени чақириб қолдилар. Йўл-йўлакай тинчликмикан, дея ўйлайман. Хонага кирсам дераза тоқчасига кўйилган гулларга тикилганча турибдилар. Мен билан

сўрашиб, нима иш қилаётганимга қизиқдилар. Одатдагидек ишларим кўпчилигини айтдим. Улар менга узоқ қараб турдилар. Нима деркин, қандай топшириқ бераркан, деб турибман. — Буни қара, гулларнинг бири очилибди. Қарагин, бирам чиройли. Бу қандай гул? — деб сўрадилар. — Хонаки гунафша. — Баҳор элчиси, дегин. — Худди шундай, кеча далада бўлдим. Ер кўпчи ётибди. Ям-шил майсалар, бойчекақларни айтмайсанми, кўзни қувонтиради? — Шу ҳақда, бирон нарса ёзгин.

Хайрият, тинчлик экан, деб хурсанд бўлдим. — Самад Қодиров ёзган кечаги лавҳани ўқидингми? Қандай жонли. Сен ҳам шунга эриш. Ҳамиша ёдингда тут. Газетага нима ёзаётганингни унутма. Ўша ҳўжалик ёки танлаган қаҳрамоннинг ҳар томонлама ибратли бўлсин. Кўпчиликка намуна қилиб кўрсатишга арзисин.

Юнус ЗИЁДОВ, меҳнат фахрийси.

Ҳолат

Айб ва жазо

Жиноят қонунчилигига кўра, айбдор қилмишига яраша жазо олиши керак. Жавобгарлиқнинг ками ёки кўпи ҳам адолатнинг бузилиши ҳисобланади. Қонун айбланувчи ёки судланувчини фош қиладиган ва оқлайдиган, шунингдек, жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатларни тўлиқ ҳисобга олишни талаб қилади. Айб ва жазо ана шулардан келиб чиқиб белгиланади.

Зиёдулла Норов айб қилди. У қорва кредити олиб бериш учун фуқаро Ж.Холиқовадан 500 минг сўм пулни олаётганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ушланди. Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди ўтган йили 23 сентябрдаги ҳукми билан уни Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми «б» бандида кўрсатилган жиноятни (порахўр-

лик) содир этганлиқда айбдор топди. Унга нисбатан 2 йилга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишламаслик ва 10 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Апенляция босқичи ҳукми ўзгаришсиз қолдирди.

Судланувчининг химоячиси Жуманазар Бегимқуловнинг фикрича, юқоридаги жиноят нотўғри малакаланган.

— Суд З.Норовни Ж.Холиқованинг меҳнат стажи муддатини кўпайтириш ва унинг исми-шарфини қорва молларини сотиб олиш учун кредит берилиши бўйича туман ҳокимлигига тақдим этиладиган рўйхатга қайд этиб бериш эвазига пора олганлиқда айблаган, — дейди у. — Вақолаликни, бу айбловларни жабрланувчининг кўрсатмаларидек инкор қилади. Жабрланувчи иш стажини кўпайтириш ёки рўйхатга киритиб қўйиш учун З.Норов пул сўради, деб бирор жойда айтмаган. Судда жабрланувчилар Ж.Холиқова ва

унинг жияни С.Болтаев айнаан кредит тўғрилаб бериш учун З.Норов шунча пул сўраганлигини таъкидлади. З.Норов туман бандликка кўмаклашиш Маркази директори бўлиб ишлаган. Марказ ишсизларни ишга жойлаштиришга ёрдам бериш билан шуғулланади. Президентимизнинг 2007 йил 6 апрелдаги «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштини кўпайтириш ва унинг шарфини қорва молларини сотиб олиш учун кредит берилиши бўйича туман ҳокимлигига тақдим этиладиган рўйхатга қайд этиб бериш эвазига пора олганлиқда айблаган, — дейди у. — Вақолаликни, бу айбловларни жабрланувчининг кўрсатмаларидек инкор қилади. Жабрланувчи иш стажини кўпайтириш ёки рўйхатга киритиб қўйиш учун З.Норов пул сўради, деб бирор жойда айтмаган. Судда жабрланувчилар Ж.Холиқова ва

дарё вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳуқуқшуноси Б.Умаров, бошқарма бошлиғи биринчи ўринбосари Э.Менглиевлар ҳам фуқаронинг иш стажини кўпайтириб бериш ва кам таъминланган оилаларга, шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжалиқларига қорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли микрокредитлар бериш Марказ директори ваколатига кирмаслигини баён қилган. «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»-ги Олий суд Пленуми қарорида «Мансабдор шахс томонидан у мансаб ваколати йўқлиги ёки хизмат мавқеидан фойдалана олмалиги туфайли аслида амалга ошира олмайдиган муайян ҳаракат (ҳаракатсизлик) учун пул, қимматли қоғоз ва бошқа моддий қимматликлар олиниши, унда мазкур қимматликларни эгаллашга нисбатан қасд мавжуд бўлган тақдирда, фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим» дейилган.



магирлик қилган. «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»-ги Олий суд Пленуми қарори 19-бандида «Мансабдор шахс томонидан у мансаб ваколати йўқлиги ёки хизмат мавқеидан фойдалана олмалиги туфайли аслида амалга ошира олмайдиган муайян ҳаракат (ҳаракатсизлик) учун пул, қимматли қоғоз ва бошқа моддий қимматликлар олиниши, унда мазкур қимматликларни эгаллашга нисбатан қасд мавжуд бўлган тақдирда, фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим» дейилган.

З.Норовнинг хатти-ҳаракатлари тўла фирибгарлик жиноятига мос келмоқда. Бундан ташқари, жабрланувчи С.Болтаевнинг шахсига ҳам эътибор қаратиш керак бўлади. Қизиғи шундаки, бу шахс пора билан боғлиқ бошқа ишларда ҳам жабрланувчи деб топилган...

Маълум бўлишича, бугунги кунда С.Болтаевнинг ўзига нисбатан Ўзбекистон республикаси Жиноят кодексининг 273-моддаси (гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш ва бошқалар) билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

— Қонун ҳар бир фуқаро учун ўз ҳақ-ҳуқуқларини химоя қилишга кафолат беради, — дейди ҳуқуқшунос Хотам Ортинқов. — Нотўғри айб ёки ортиқча жазо, хоҳ жиноятчи бўлсин, унга нисбатан адолатсизлик қилинганини, ҳуқуқлари камситилганини кўрсатади. Қолаверса, қонун талаби ҳам шу: қилмишини тўғри баҳола, ҳар қимга айбига яраша жазо бер. Жамиятда адолатни таъминлашнинг муҳим мезонларидан бири ҳам шундан иборат.

Ақбар ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Publication information including BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV, TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEVA, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, G'affor HOTAMOV, Muslihidin MUHIDDINOV, Andrey KUSTOV, Ochiilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI, BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Madaniyat va sport, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot, Reklama va e'lonlar, Mas'ul kotib, VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Denovda, MANZILIMIZ: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY, Navbatchi: Ravshan SHODIYEV, Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi, Sahifalovchi-ta'sturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV, «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi, Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy, Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi, G - 349, ISSN 2010-7633, O'za yakuni - 21.10, Topshirilgan vaqti - 23.45, 2 3 4 5, Sotuvda erkin narxda